

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси



Республикада эпизоотик барқарорликни  
таъминлаш ҳамда чорва ҳайвонлари орасида  
инфекцион, паразитар ва юқумсиз касалликларнинг  
олдини олиш бўйича

# ТАВСИЯНОМА



Профилактика



Диагностика



Эмлаш ва даволаш



Эмлаш тадбирлари

Тошкент-2026

**Республикада эпизоотик барқарорликни таъминлаш ҳамда  
чорва ҳайвонлари орасида инфекцион, паразитар ва юқумсиз  
касалликларнинг олдини олиш бўйича  
ТАВСИЯЛАР**

Ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган ҳайвонларнинг **ўта юқумли касалликларининг тарқалишига доир маълумотлар** республикамизда чорвачилик хўжаликлари ҳамда аҳоли ўртасида ташвишли ҳолатларни ўйғотиши табиий.

Ҳозирги кунда чорвачилик хўжаликларида **сифатли, озуқа таъминотининг баланслаштирилмаганлиги, ветеринария-санитария ва гигиена талабларига риоя этилмаганлиги натижасида** насли ҳайвонлар, айниқса четдан келтирилган қорамоллар орасида **ҳар хил юқумли ва юқумсиз ҳамда паразитар касалликлар** кўпаймоқда.

Ушбу вазиятдан келиб чиқиб, **ҳайвонлар орасида юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш** ҳамда соғлом эпизоотик осойишталикни таъминлаш мақсадида барча чора-тадбирлар тизимли амалга оширилмоқда.

Хусуан, баҳорги профилактик эмлаш тадбирлари соҳадаги илмий-тадқиқот муассасалари олимлари ҳамда ветеринария мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳ (отряд)лар ташкил этилиб, **“маҳаллабай”** усулда маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

Шунингдек, республикада эпизоотик барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳудудларда чорва ҳайвонлари оқсил (яшур) касаллигига қарши курашиш бўйича **“Фавқулудда вазият”** эълон қилиниб, тезкор ветеринария тадбирлари олиб борилмоқда.

**Чорва ҳайвонлари орасида ҳар хил юқумли ва юқумсиз ҳамда паразитар касалликларни тарқалишини олдини олиш мақсадида:**

хўжаликка олинадиган чорва ҳайвонларини **фақат инфекцион касалликлардан ҳоли бўлган, соғлом** хўжаликлардан олиш;

янги олинган ҳайвонларни фермага киргизишдан олдин алоҳида **30 кун** профилактик карантинда сақлаш, **клиник кузатув олиб бориш**, диагностик текширишлар ўтказиш, зарур ҳолларда эмлаш;

**фермалар атрофини ўраш**, бегона кишиларни, ҳатто ишчиларнинг яқин қариндошларини ҳам киритилишини тақиқлаш;

ферма ишчилари **махсус кийимлар** билан таъминлаш;

фермага кириш-чиқиш жойида **дезбарьер ва дезоматлар** ташкил этиш;

Бунинг учун ишқорлар (каустик сода, ўювчи натрий), кислоталар (фенол-карбол кислота), формалдегид, ўзида фаол хлор сақловчи моддалар (хлорли оҳак, хлорамин Б, сўндирилган оҳак), феноллар ва бошқа моддалар қўлланилади;

фермаларга **санитария ўтказгич орқали** киришни ташкил қилиш ва унда гигиеник талабларга мос ҳолда ҳудудни тоза сақлаш;

ҳайвонларни сақлаш ва парваришда **зоогигиеник талабларга риоя қилиш** ва мақсадсиз қайта гуруҳлашга йўл қўймаслик;

**фермаларни мунтазам гўнгдан тозалаш** ва уларни биотермик зарарсизлантириш чораларини кўриш;

**эпизоотияга қарши тасдиқланган тадбирлар** режасига кўра ҳайвонларни сурункали инфекция (*бруцеллез, туберкулез*) ва ўткир касалликларга текшириш ҳамда эмлаш;

чорва ҳайвонларини ёз ойларида ҳар ҳафтада бир марта, қишлоқ даврида ҳар **10 кунда бир марта** эктопаразитларга қарши ишлов бериш;

**ойига бир марта** ферма ҳудудини ва молхоналарни чиқиндилар ва гўнгдан тозалаш, дезинфекция, дезинсекция, дезакаризация ва дератизация тадбирларини ўтказиш;

*Дезинфекция учун - ишқорлар (каустик сода, ўювчи натрий), кислоталар (фенол - карбол кислота), формалдегид, ўзида фаол хлор сақловчи моддалар (хлорли оҳак, хлорамин Б, сўндирилган оҳак), феноллар ва бошқа моддалар қўлланилади;*

ҳайвонларни **эрта баҳорда ва кеч кузда** бир марта, яъни йилига икки марта гельминтсизлантириш;

**ҳайвонларни ёши, физиологик ҳолати бўйича** алоҳида гуруҳларда сақлаш;

бўғоз сигир ва ғуножинларни бўғозлигининг **7-чи** ойдан бошлаб алоҳида сақлаш, озиқлантириш ва фаол яйратишни ташкил этиш;

янги туғилган бузоқларни **1 соат ичида** сифатли **увиз сути** билан таъминлаш ва **15-20 кун давомида** индивидуал катакларда сақлаш;

ҳайвонларни **ҳар 10 кунда бир марта** кўздан кечириниш, маҳсулдорликни ва тана вазни ортишини таҳлил қилиб бориш;

**ҳар чоракда бир марта** фермадаги мавжуд чорва ҳайвонларини тўлиқ ветеринария кўригидан ва диагностик текширишлардан ўтказиш;

ҳайвонларда касаллик аломатлари пайдо бўлганда **дарҳол ветеринария мутахассисига мурожаат этиш**, ветеринария мутахассисларининг барча кўрсатмаларини сўзсиз бажарилишини таъминлаш талаб этилади.

**Барча фермер ва деҳқон хўжаликлари, аҳоли хонадонлари чорвачиликда эпизоотик барқарорликни сақлаш бўйича белгиланган тадбирларга тўлиқ риоя этишлари тавсия этилади.**